- а) рақамли платформаларда италиялик фойдаланувчига мўлжалланган рекламаларини жойлаштириш;
- б) Италия фойдаланувчиларига кўп партияли рақамли платформага киришни таъминлаш, бу орқали фойдаланувчилар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишлари, шунингдек, товарлар ва хизматларни сотишлари мумкин;
- с) Италия фойдаланувчиларидан рақамли платформалардан фойдаланиш натижасида олинган маълумотларни узатиш.

Италияде солиқ қуидаги хизматлар турларига нисбатан қўлланилмайди:

- фойдаланувчиларга рақамли платформага фақат фойдаланувчиларга рақамли контентни етказиб бериш, алоқа хизматларини кўрсатиш;
- тартибга солинадиган молия институтлари томонидан тартибга солинадиган молиявий хизматлар кўрсатиш;
- тартибга солинадиган молия институтлари томонидан маълумотларни узатиш.

Италияде рақамли соликни ҳисоблаш, жарималарни ундириш ва суд жараёнлари учун ҚҚС тартиб-қоидаларига асосан қўлланиллади.

Италия рақамли солиқ қоидаларига кўра Франциянинг рақамли солиқ қоидаларидагидек, рақамли солиқ фойда солиғи базасидан чегириб ташланмайди. Рақамли солиқ бўйича солиқ базасидан турли харажатларни (масалан, трафикни жалб килиш харажатлари) чегириб ташлашнинг мумкин эмаслигини белгиловчи қоида мавжуд. Ушбу қоидани Францияда ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек Италияде Франция ва Буюк Британияда каби бу солиқка икки томонлама солиқка

¹² Италия Республикасининг 2020 йилги бюджети ва 2021 ва 2022 йиллар учун режалаштириш даври учун Қонуни : <https://www.fiscoetasse.com/upload/Legge-di-Bilancio-2020-Atto-2305-del-17122019.pdf>

тортиш күлланилмайды. Италияда рақамли солиқ тушумлари ҳисоб-китобларга кўра, рақамли солиқ тушумлари йилига 600 миллион еврони ташкил қиласиди¹³.

2016 йил 29 февралдан бошлаб, **Хиндистонда** рақамли солиқнинг тенглаштириш тўлови ишламокда. 2017 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ушбу солиқ **Хиндистон** бюджетига 39 миллион АҚШ долларига якин даромад келтирди. **Хиндистонда** ушбу солиқ тўлови факат онлайн реклама хизматларига тегиши¹⁴.

Реклама солиғи **Венгрияда** реклама вакти ёки майдони савдосидан олингандың солиқ резидент ва норезидентларининг ялпи даромадидан ундирилади. Солиқ солинадиган операциялар оммавий эшиттириш учун фойдаланиладиган оммавий ахборот воситаларининг турига караб кенг кўламли реклама хизматларини, шу жумладан телевидение ва радио, босма газеталар, билбордлар, транспорт воситалари, кўчмас мулк ва веб-сайтлар ўз ичига олади¹⁵. Венгрия реклама солиғи ставкаси прогрессивдир: масалан, асосий солиқ мажбуриятига нисбатан ставка 5,3% дан 7,5% гача, иккиламчи солиқ мажбурияти эса 5% ни ташкил килади. 2019-йил 1-июлдан 2022-йил 31-декабргача Венгрияда реклама солиғи нолга қайтарилди¹⁶.

Бугунги кунда мамлакатларда рўй берадиган ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, шунингдек замонавий технологик ечимлар асосида яратилган янги вертуал бизнес моделлар асосида иқтисодиёт ва давлат бошқарувидаги муносабатлар янгиланмокда.

Рақамли хизматлар солиғи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган хориждаги давлатлардан ундирилади (1.3-жадвал). Ушбу солиқ ҚҚС ёки товарларни сотиш солиғи шаклида солиқса тортилади.

¹³ Reuters: <https://www.reuters.com/article/us-italy-economy-web-tax/italys-economy-minister-sees-web-tax-launch-next-year-idUSKBN1WN1VG> Халқаро ахборот ва молиявий ахборот агентликларининг веб-сайти

¹⁴RashminSanghvi&Associates:<https://www.rashminsanghvi.com/>

[articles/taxation/electronic_commerce/Equalisation_Levy%20%93An_Analysis/EL%20%20%20%93%20In%20Simple%20Words.html](#) Хиндистон юридик фирма сайди.

¹⁵ RSM International Association: <https://www.rsm.global/insights/tax-news/hungary-advertisement-tax>

¹⁶ RSM International Association: <https://www.rsm.global/insights/tax-news/hungary-advertisement-tax>

1-жадвал. Давлатлар кесимида рақамли бизнеснинг миллий солиқка тортиш хусусиятлари¹⁷

Давлатлар	Солиқ элементлари	Жорий этилиши
Франция	рақамли савдоға эга рақамли компаниянинг жаҳон бўйича камидага 750 миллион евро (845 миллион доллар) даромадга эга ва Францияда 25 миллион эвро даромадига 3% солиқ	24.07.2019
Италия	йилига 750 миллион эвродан ортик глобал даромадга эга ва Италиядаги камидаги 5,5 миллион эвро сотиладиган рақамли компания даромадига 3% солиқ	01.01.2020
Буюк Британия	рақамли хизматлар учун 2% солиқ	01.04.2020
Австрия	йиллик айланмаси 750 миллион эвродан ортик бўлган компанияларнинг онлайн реклама даромадларига 5% солиқ шундан 25 миллион евро - Австриядаги	01.10.2020
Сингапур	рақамли хизматлар учун 7% (2021 йилдан - 9%)	01.01.2020
Испания	йиллик 750 млн.евродан ортик соф айланмага эга бўлган ва Испанияда рақамли хизматлардан даромади 3 млн.евродан ортик бўлган йирик халкаро компанияларнинг рақамли хизматлар кўрсатишдан олинган ялпи даромадига 3% солиқ.	18.01.2020
Вьетнам	ҚҚС 2-5%	01.01.2021
Филиппин	йилига 250 минг ПХП ҚҚС 10%	01.01.2021
Турция	рақамли компония даромадидан 7,5% солиқ	Кўриб чиқилмоқда

¹⁷ Муаллиф томонидан маълумотларга асосан тузилган

Чехия	рақамли хизматлар учун 7% солиқ	күриб чиқилмоқда
Тайланд	ҚҚС 7%	күриб чиқилмоқда
Япония	хорижий сайтлар орқали амалга оширилган рақамли юкламалар учун солиқ	Халқаро мухокамада
Россия	рақамли хизматлар қийматидин ҚҚС 20% (18% 01.01.2019)	01.01.2017

Жадвалда маълумотларида кўрсатилганидек, **Франция** 2019 йил 24 июлда рақамли солиқни жорий килган биринчи давлат эди. Конунларга асосан қуйидаги икки турдаги хизматлар учун тан олинади:

а) Француз фойдаланувчиларига бошқа фойдаланувчилар билан боғланиш ва мулоқот қилиш имконини берувчи рақамли платформани тақдим этиш (“воситачи хизматлар”). Франция Валюта-молия кодексининг 314-1;

б) реклама берувчиларга француз фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар асосида рақамли платформаларда мақсадли реклама постларини жойлаштиришга қаратилган хизматларни тақдим этиш. Реклама постларини сотиб олиш ва сақлаш, компания натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш, фойдаланувчи маълумотларини бошқариш ва узатиш ҳам ушбу туркумга киради. Рақамли платформаларда мақсадли бўлмаган реклама жойлаштириш хизматлари амалда солиқдан озод қилинган¹⁸.

Рақамли солиқ қуйидаги иккита шарт бажарилган тақдирда ҳам француз, ҳам хорижий компаниялар учун кўлланилади:

- Компания кўриб чикилаётган йил давомида юқоридаги хизматлардан камида биттасини кўрсатганда;
- Компанияга эгалик килувчи ўтган йили бутун дунё бўйлаб манбалардан олинган 750 миллион евро чегарасидан ошиб кетган, шундан 25 миллион евро француз фойдаланувчилари ҳисобига тўғри келганда.

Францияда ушбу солиқнинг бир томонлами жорий этилишини ҳақида баъзи солиқ мутахассислари ўз фикрларини билдирадилар: ялпи даромаддан солиқ

¹⁸ Официальный интернет-портал правовой информации Франции:
<https://www.legifrance.gouv.fr/affichLoiPubliee.do?type=general&idDocument=JORFDOLE000038203221>

ундириш орқали зарар кўрган кўплаб компанияларнинг ахволини оғирлаштириш хавфи мавжуд¹⁹. Бу ҳолатда Францияда мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу соликни солик тўловчилар учун қўшимча юк келтирмаслигини таъкидласада, даромад солигни тўлайдиган компаниялар икки томонлама солик ундирилиши хавфи юзага келишини мумкин.

Электрон хизматлар учун рақамли соликнинг ККС билан ўхшашлиги борасида мунозара ҳам олиб борилган. Экспертлар ушбу солик учун чегаранингadolatliiligiga шубҳа қилишади: масалан, кичикрок компаниялар, уларнинг фикрича, ноқонуний субсидия олади²⁰.

2-жадвал. ККСни рақамлаштиришдаги асосий муаммолар

Муаммо	Муаммо таснифи	Муаммони ечиш йўллари
Рақамли узилиш	Энг кенг тарқалган муаммо солик билан ўзаро муносабатлар барқарор бўлмагандан ахборот-коммуникатсия каналларига кириш (масалан, Интернетнинг йўқлиги Ўзбекистоннинг чекка аҳоли пунктлари).	Янги ҳисобот шаклига риоя этишда масъулиятни ошириш; ташкилот узок худудларда интернетга уланиш нукталарини ташкиллаштириш.
Харажат ва мураккаблик	Янги дастурий таъминотни жорий этиш солик органлари учун ҳам, солик тўловчилар учун ҳам қимматга тушади. Янги дастурларни тушунадиган мутахассислар чекланганлиги.	Солик органларининг харажатлари солик йиғимини кўпайтиришдан, солик тўловчиларнинг харажатларини эса жарималардан қочиш орқали қоплаш; ходимлар учун ўқув семинарлари ташкиллаштириш.
Хавфсизлик ва маҳфийлик	Инсон омили мавжуд.	Маълумотлар бошқарувчилари фаолияти

¹⁹ Dentons: <https://www.dentons.com/en/insights/articles/2019/july/15/french-digital-services-tax-dst>

²⁰ Ўша ерда

	Кўплаб сустеъмолликлар учун электрон алоқалар очик	юзасидан назорат олиб бориш; фойдаланувчи маълумотларини ҳимоя тизимини такомиллаштириш
Маълумотларга ўтиш	Олдинги давр хисобот маълумотлари янги форматга мослаштирилмаган	Энг муҳим хужжатларни янги форматга ўтказинш
Қонунчиликдаги номувофиқлилар	Мавжуд норматив қонуний база жорий бўлмаган даврда яратилган солиқка тортиш ва ишларнинг холатини хисобга олмайди	Амалдаги қонун хужжатларини тузатиш, янгиларини ишлаб чикиш ва қабул килиш

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Солиқларни рақамлаштириш – бу солиқларни ундириш, ўзгартириш, даромадни оширишга таъсир қилувчи рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини яратиб, уни амалда қўллаш орқали шаффофликни ошириш, маълумотларни яхлитлигини таъминлаш, инсон омили таъсирини камайтириш, хизмат сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасидаги яхши ҳамкорликни ўрнатиш, ички молиявий шарт-шароитлар яратиш имконини берадиган жараёндир.

Солиқларни рақамлаштириш, жумладан ҚҚС ни рақамлаштиришнинг давлат ҳамда солиқ тўловчилар учун бир қатор афзалликлари келтирилган:

1. ҚҚСни рақамлаштириш орқали ёпик деб белгиланган ҳар қандай давр учун солиқ маълумотларини нашр этиш ёки ўзгартиришни тақиқлаш, ҚҚС солиққа тортиш тўғрисидаги маълумотларни саралаш ҳамда алоҳида сақлаш, ҚҚС чекланган функция ва вазифалардан фойдаланиш тизими орқали солиқ инспекторларининг вазифаларини ажратиш, ҚҚС қайта ишлаш жараёнида солиққа тортиш тўғрисидаги маълумотларнинг яхлитлигини таъминлаш, учинчи шахслар томонидан маълумотларнинг йўқолиши, бузилиши ёки ўғирланишининг олдини олади.

2. ҚҚС ни рақамлаштириш солиққа тортишнинг шаффофлигини ошириш: реал вакт режимида маҳсулот сотиш жараёнларини назорат қилиш, ҳисоблаш ва тўлаш

тўғрисида давлатни автоматик равишида хабардор қилиш, яъни ҚҚСни тўлашдан бўйин товлаш тубдан бартараф этиш;

3. ҚҚС солиги бўйича маъмуриятчилик ҳаражатларини камайтириш: ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнига инсон омилининг таъсирини чеклаш, бу хатолар корхоналардан ортиқча тўланган ҚҚС суммаларини қоплаш, ҳисоб-китоб қилиш ва қайтариш бўйича (ҚҚСнинг нотўғри ҳисобланган ва тўланган суммалари) сонини камайтириш ва аризалар сонини камайтириш имконини беради.

4. Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш: ҚҚС бўйича солик маъмуриятчилиги жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин, бу эса батафсил статистик ҳисбот олиш ва ҚҚС солиги бўйича давлат даромадларини юқори даражада тез ва аниқ прогноз қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Ракамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солик ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси (янги таҳрири)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги олий мажлис Мурожаатномаси
4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Соликлар ва солиққа тортиш Дарслик /Хаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет.
5. Тошматов, М.М.Комилов. Кўшилган қиймат солиги Монография Тошкент: 2004 й. -- 184-бет
6. Голик Е. Н. Цифровизация администрирования НДС в системе обеспечения экономической безопасности doi: 10.22394/2079-1690-2021-1-2-103-109
7. Aplin P. Digitalisation of tax: international perspectives. URL: <https://www.icaew.com/-/media/corporate/files/technical/digital-tax.ashx?la=en> (access date: 25.01.2019).
8. Карпова О. М. Трансформации налога на добавленную стоимость в условиях форсированной цифровизации российской экономики текст научной статьи по

специальности «экономика и бизнес» ЖУРНАЛ Вестник Томского государственного университета. Экономика2019

9. Trenta C. European VAT and the digital economy. URL: <https://www.business.unsw.edu.au/About-Site/Schools-Site/Taxation-Business-Law-Site/Documents/imeTrenta-Re-thinking-EU-VAT-paper.pdf> (access date: 25.01.2019).
10. CudahyG. Blockchain reaction. URL: [https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-blockchain-reaction-tech-companies-plan-for-critical-mass/\\$FILE/ey-blockchainreaction.pdf](https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-blockchain-reaction-tech-companies-plan-for-critical-mass/$FILE/ey-blockchainreaction.pdf) (access date: 25.01.2019).
11. . OECD. Co-operative Tax Compliance: Building Better Tax Control Frameworks. URL: <https://doi.org/10.1787/9789264253384-en> (access date: 21.01.2019).
12. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 115.
13. Афанасенко И.Д., Борисова В.В. Цифровая логистика: учеб. для вузов. СПб : Питер, 2018. 272 с.
14. Что такое цифровизация? URL: https://www.e-xecutive.ru/management/itforbusiness/1989667-chto-takoe-tsifrovizatsiya?_scrolltop=1832 дата обращения: 25.01.2019).
15. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>
16. <https://review.uz/oz/post/>
17. <https://my.soliq.uz/main/about-portal><https://kun.uz/kr/news/2022/05/07/soliq-tushumlari-17-foizga-oshdi-dsq>
18. <https://yuz.uz/news/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>

АКЦИЗ СОЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА СТАВКАЛАРИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ докторанти

ДТПИ ўқитувчиси

sh.abdulkhaeva@tsue.uz

КАЛИТ СЎЗЛАР: Акциз, солик, солик тўловчилар, объект, акциз маркалари, солик стакаси, солик карзи, давлат бюджети, товар, маҳсулот, импорт, экспорт

Акциз солиги давлат даромадлари манбаи сифатида давлат бюджетининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда акциз солиги барча мамлакатларда уларнинг молиявий ресурсларини шакллантиришга, шунингдек бозордаги носозликларни бартараф этишдаги таъсири туфайли қўлланилади. Акциз солиги давлат бюджетига тез тушиши сабабли харажатларни тезда молиялаштириш имконини беради.

Акциз фискал барқарорликка эришиш учун муҳим восита ҳисобланади. Акцизлар молия ва солик тизимининг тартибга солувчи самарали элементи сифатида бюджет даромадлари ва давлат бошқаруви механизмининг муҳим қисмидир.

Молиявий функция акциз солигининг асосий ва энг муҳим функциялардан бири сифатида мамлакат бюджетини шакллантириш учун этарли ва барқарор даромад оқимини таъминлашдан иборат. Шунингдек йигимларнинг кўпайиши давлат бюджет даромадларининг ортишига имконият яратади. Шунинг учун ҳам акциз солиги давлатни таъминлашга қаратилган катта ва барқарор даромад манбаи ҳисобланади.

Акциз – лотинча “accidere” сўзидан олинган бўлиб кесиш деган маънони англатади. Адабиётларда ушбу солик тури асосан ҳашамат товарлари шунингдек инсон саломатлиги ҳамда атроф муҳит учун заарли бўлган товарларга нисбатан қўлланилиши белгиланган.

Куйидагилир акциз солиги солинадиган объект ҳисобланади:

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан айирбошлаш учун бериш:

– товарга бўлган мулк ҳуқуқини бериш;

– гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан бериш;

- акциз тўланадиган товарларни бепул бериш;
- акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) меҳнатта ҳақ тўлаш ҳисобидан бериш;

– акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсали бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсали бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш.

Акциз соликни ҳисоблаб чиқариш солик солинадиган базадан ва соликнинг белгиланган ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Импорт қилинган, акциз тўланадиган, ўзига нисбатан аралаш адвалор ва қатъий белгиланган солик ставкалари белгиланган товарлар бўйича солик солик базаси ва адвалор ставкадан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солик ставкалари мутлақ (қатъий) сўммада белгиланган бўлса, солик базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солик ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солик базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқарилган дивиденdlар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлиш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солик базаси амалдаги солик кодексининг 285 моддасида белгиланган тартибда аниқланади.

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солик базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда

қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, агар ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Четдан олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади.

Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

1-жадвал.

2019-2024 йиллар алкоголь маҳсулотлари учун солиқ ставкалари²¹

№	Йиллар	Алкоголь маҳсулотлари номи				
		Этил спирти	Ароқ, конъяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	Табиий равишда ачитилган табиий винолар	Бошқа винолар, шу жумладан вермут	Пиво

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

VOLUME-2, ISSUE-7

1	2019 йил	10 800 сүм	98 000 сүм	7 700 сүм	14 500 сүм	10 600 сүм
2	2020 йил	10 800 сүм	98 000 сүм	7 700 сүм	14 500 сүм	10 600 сүм
3	2021 йил 1 нвардан	10 800 сүм	98 000 сүм	7 700 сүм	14 500 сүм	10 600 сүм
4	2021 йил 1 февралдан	12 500 сүм	116 400 сүм	8 300 сүм	16 800 сүм	11 700 сүм
5	2021 йил 1 октябрдан	13 500 сүм	125 100 сүм	8 700 сүм	18000 сүм	12 600 сүм
6	2022 йил 1 январ	13 500 сүм	125 100 сүм	1 сүм	18 000 сүм	12 600 сүм
7	2022 йил 1 июндан	14 900 сүм	138 000 сүм	1 сүм	19 800 сүм	12 600 сүм

VOLUME-2, ISSUE-7

8	2023 йил 1 январдан	7450 сўм	34500 сўм	1 сўм	1980 сум	1380 сўм
9	2023 йил 1 февралдан	7450 сўм	38000 сўм	1 сўм	2200 сум	1 550 сўм
10	2024 йил 1 январ	14 900 сўм	38 000 сўм	1 сўм	2 200 сўм	1 550 сўм
11	2024 йил 1 июлдан	14 900 сўм	40 000 сўм	1 сўм	2 310 сўм	1 628 сўм

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019-2024 йиллар давомида алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиги ставкалари ўзгариб келмоқда. Масалан, 2021 йилда акциз солиги ставкалари 3 марта, яъни 2021 йил 1 январдан, 2021 йил 1 февралдан ва 2021 йил 1 октябрда ўзгарган. Алкоголли маҳсулотларидан этил спирти 2019 йилдан 2021 йил 1 январгacha 10800 сўм бўлса, 2023 йилга келиб 7450 сўмга, 2024 йил 1 январдан 14900 сўм қилиб белгаланган. Шунингдек бошқа алкоголь маҳсулотлари 2019-2024 йиллар давомида солиқ ставкалари ўзгариб келмоқда. Алкоголли маҳсулотларга акциз солиги 2024 йил 1 июлдан 5 foизга оширилди. Импорт қилинган ароқ, конъяк ва бошқа спиртли ичимликларга акциз солиги ЖСТ талаблари доирасида ставкалар ўртасидаги фарқни камайтириш учун 5 foизга камайтирилди.

2-жадвал.

2019-2024 йилларда нефть маҳсулотлари учун солиқ ставкалари²²

T/ P	Товарла р (хизматл ар) номи	йиллар					
		2019	2020	2021 01.01.2 1	2022	2023 01.01.23 дан	2024 01.01.24

²² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

VOLUME-2, ISSUE-7

				01.02.2 1 дан	01.01.22 01.07.23 дан	01.02.23 дан	01.02.24 дан
1	Аи-80	200000 сўм/ тонна	200000 сўм/ тонна	200 000 сўм/то нна 240000 сўм/то нна	240000 сўм/т 275000 сўм/т	275 000 сўм/тон на 303000 сўм/тон на	303000 сўм /тонна, .340000 сўм/тонна
2	Аи-90 ва ундан юқори	250000 сўм/то нн	250000 сўм/ тонна	250000 сўм/то на 275000 сўм/то на	275000 сўм/тонн а	275000 сўм/тон на 303000 сўм/тон на	303000 сўм/тонна
3	авиакерос ин (синтетик дан ташқари)	180 000 сўм/ тонна	180000 сўм/ тонна	180000 сўм/то нна 200000 сўм/т	200000 сўм/т 220000 сўм/т	220000 сўм/тон на 242000 сўм/тонна, 271000 сўм/тонна	242000 сўм/тонна, 271000 сўм/тонна
4	дизель ёқилғиси (синтетик дан ташқари)	200 000 сўм/ тонна	200000 сўм/ тонна	200000 сўм/т, 240000 сўм/т.	240000 сўм/т, 264000 сўм/т.	264000 сўм/тон на 291000 сўм/тонна	291000 сўм/тонна, 326000 сўм/тонна
5	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетик дан ташқари)	180 000 сўм/ тонна	180000 сўм/ тонна	189000 сўм/т, 216000 сўм/т.	116000 сўм/т, 237600 сўм/т.	237600 сўм/тон на 262000 сўм/тонна	262000 сўм/тонна, 293000 сўм/тонна

6	Полиэтил ен гранулала р	30%	30%	20%	10%	10%	10%
7	Табий га, шу жумладан экспорт мустасно	20%	20%	20%	20%	20%	20%
8	Якуний истеъмол -чига сотилади- ган:Бензи н	1 литр28 5 сўм 378480 сўм 1 тонна	1 литр28 5сўм/1 тонна 378 480 сўм	285 сўм 1 литр,37 8480 1т, 350 сўм 1 литр, 465530 00 1 т	350 сўм 1 литр, 465530 1, 385 сўм 1 литр,5120 00 1 т	385 сўм1 литр,512 00 1 т,4251 литр,565 000 1 тона	425 сўм1 литр,56500 0 1 тонна,476 сўм 1 литр,63300 0 1 тонна.
9	сиқилган газ	435 сўм 1 куб. метр	435 сўм 1 куб. метр	435 сўм 1 куб. метр, 500 сўм1 куб метр	500 сўм 1 куб. метр, 550 сўм1 куб метр	550 сўм 1 куб. метр, 605 сўм1 куб метр	605 сўм 1 куб. метр, 678 сўм1 куб метр

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019-2024 йиллар давомида нефть маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари ўзгариб келмоқда. Масалан, 2021-2024 йиллар давомида йилда акциз солиғи ставкалари 2 мартадан ўзгарган бўлиб, шундан Аи-80 бензини 2021 йил 1 январдан 1 тонна учун 200000 сўм бўлса , 2021 йил 1 февралдан 1 тонна учун 240000 сўмга, 2022 йил 1 июлдан 1 тонна учун 275000 сўмга, 2023 йил 1 февралдан 1 тонна учун 303000 сўмга кўтарилган. Полиэтилен гранулалар 2019-2020 йиллар 30% бўлиб, 2022 йилда 20%га, 2022

йилдан бошлаб 10% қилиб пасайтирилган. Табиий газ учун 2019-2024 йиллар давомида нефть акциз солиғи ставкалари 20% бўлиб ўзгаришсиз қолмоқда.

Акциз солиғи – 15 834,4 млрд сўм, 2022 йилга нисбатан 2 379,3 млрд сўм ёки 17,7%га ошди.

Куйидаги омиллар акциз солиғи бўйича бюджет тушумларига таъсир этган:

2023 йил 1 фвралдан акциз ости маҳсулотлар учун белгиланган қатъий суммадаги ставкаларнинг ўртacha 10 фоизга оширилиши – 1 580 млрд сўм;

АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти ишлаб чиқарувчи учун акциз солиғининг “ноль” ставкаси белгиланиши – 1 300,0 млрд сўм.

Соғлом турмуш тарзи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни тарғиб қилиш доирасида 2024 йил 1 январдан бошлаб алкоголли ичимликларга акциз солиғи ставкасини икки баравар — бир литри учун 7400 сўмдан 14900 сўмгача оширишди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солик ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси (янги таҳрири)
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.12.2022 йилдаги ЎРҚ-812-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон
4. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник и практикум для прикладного бакалавриата. Люберцы: Юрайт, 2016. 418 с
5. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик /Ҳаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет
6. А.Х. Тошқулов, С.К.Худойқулов. Солик назарияси. Дарслик. Тошкент 2021 йил-290 бет
7. <https://buxgalter.uz/publish/doc/text167245>
8. <http://www.agriculture.uz/filesarchive/aksiz>
9. <https://www.norma.uz/>

**AKADEMIK LITSEYLARDA JISMONIY TARBIYA DARSALARIDA
O'QUVCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI TASHKIL QILISH
USULLARI**

***URDU AKADEMIK LITSEYI JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHISI
PIRNAFASOVA RISOLAT RAMATILLAYEVNA***

Akademik litsey o'quvchilarining jismoniy tarbiya darslarida kuch qobiliyatlarini rivojlantirish bo'yicha ilmiy tadqiqot ishlari kam yoritilgan bo'lib faqat yosh sportchilarni yoshi, jinsi, jismoniy tayyorgarligi bo'yicha ishlarga e'tibor qaratilgan. Jismoniy tarbiya darslarida kuch kuch qobiliyatlarini rivojlantirish bo'yicha ishlar yetarli darajada emas. Ta'lif muassasalarida jismoniy tarbiya darslarining sifatini yaxshilash, akademik litseydan tashqari ishlar-xususan sport to'garaklarini tashkil qilish va ularni samaradorligini oshirish, sport turlarini rivojlantirish va ommaviyligini oshirish, iqtidorli sportchilarni tanlash va tarbiyalash muhim hisoblanadi. Akademik litseylarining jismoniy tarbiya darslarida o'quvchilarni aylanma mashq uslubiyidan foydalanib kuch qobiliyatlarini rivojlantirishdan quyidagi amaliy va muhim vazifalarni belgilaydi:

1. Akademik litseyda jismoniy tarbiya darslarida o'quvchilarning jismoniy tayyorgarlik darajasini o'rganish va doimo tahlil qilib borish.
2. Jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning aylanma mashq uslubiyatidan foydalanib kuch qobiliyatlarini kompleks mashqlar orqali rivojlantirish, doimiy sport to'garaklari faoliyatlarini tashkil qilishni yanada takomillashtirish.

Bunday muhim vazifalarni amalga oshirishda asosan quyidagi tadqiqot metodlaridan foydalanish yanada yaxshi samara beradi: mavzuga doir adabiyotlarning nazariy tahlili, anketa so'rovi, pedagogik kuzatuvlar, pedagogik tajriba, matematik statistika uslublari foydalanildi. F.A.Kerimov, M.N.Umarovlarning (2005), fikriga ko'ra sportdagи yuklamalar ta'siridagi o'zgarishlar inson skeletida, mushaklarida, ichki organlarida va umumiy morfologik maqomida yuzaga keladi. Shuning uchun shug'ullanuvchilarning morfologik xususiyatlarini, shuningdek, yo'naltirilgan mashg'ulot yuklamalari ta'sirida ularning dinamikasini o'rganish hamda hisobga olish zarurati muhim ahamiyatga ega, jismoniy tarbiya ta'limi sifatini yanada oshirish.

"Jismoniy tarbiya" akademik litsey kursining asosiy maqsadi- akademik litseyning o'quvchilari sog'lig'ini saqlash va mustahkamlash, asosiy jismoniy sifatlarini rivojlantirish, hayotiy zarur harakatlar malaka va ko'nikmalarini shakllantirish, o'z-o'zini jismoniy takomillashtirish istak va ehtiyojlarini shakllantirish, jismoniy madaniyat sohasida ijobjiy qiziqishlarni o'stirish faoliyatida asosiy bo'g'in hisoblanadi. Mashg'ulotlarning barcha shakllari va turlari haftasiga akademik litsey o'quvchilari uchun

2soatlik yuklama ajratilgan bo'lib aynan sportga bo'lган bugungi e'tiborning kuchayishi natijasi o'larоq yuklama soatlarini haftasiga asosiy fan doirasida 4soat va sport to'garaklari doirasida 8-10 soat harakat rejimini taminlab bersa bunda sport soxasida bajariladigan har bir amaliy ishlar natijasi yuzaga chиqa oladi. Nosog'lom, jismoniy rivojlanish va tayyorgarligi past darajali o'quvchilar uchun maxsus (individual-differentsial) rejim o'rnatiladi. O'quvchi yoshlarni jismoniy tarbiyalash muammosini o'rganadigan tadqiqotchilarning ta'kidlashicha, ularning o'qishi va kasb tayyorgarligida jismoniy tarbiya munosib o'rin egallashi lozim [5]. Bolalar sportida yuqorida qayd qilingan ikkala belgi shunday ifodalanganki, o'quvchilarning sport faoliyati darsdan tashqari hisoblanib, o'quv fani sifatida akademik litsey o'quv rejalari va dasturl lariga qisman kiritilgan va darsdan tashqari ishlar, akademik litseydan tashqari muassasalaridagi mashg'ulotlar shaklida alohida ahamiyat, e''tibor bilan ko'ngilli tarzda yo'lga qo'yiladi [6,7].

Akademik litsey yoshidagi bolalarda jismoniy tarbiya jarayonining maqsadi astasekinlik bilan ularni jismoniy kamolotga erishishi va shu asnoda hayotga, ijodiy mehnatga va vatan mudofaasiga tayyorlashni nazarda tutadi. Akademik litsey yoshi mактабдан sport tayyorgarligi bo'lган o'quvchilarning holatidan kelib chiqib uning akademik litsey davrida davom qildirish uchun juda qulay hisoblanadi. Xuddi mana shu yillarda bolalar yuqori egiluvchanlikga, kuchli va tez nerv qo'zg'olishiga ega bo'ladilar va shunga ko'ra harakatlarning shartli reflekslarini yengil hosil bo'lishi bilan ajralib turadilar. 14-15 yoshda harakat analizatorlarining rivojlanganligi me'yoriga etadi. Akademik litsey davriga kelib o'quvchilar xilma-xil darajadagi harakat malakalariga ega bo'ladilar. Bu o'z navbatida jismoniy mashqlarni, mehnat faoliyatida va ijtimoiy hayotda turmushda, o'zlarining sog'ligini mustahkamlashga, jismoniy tayyorgarlikni oshirishga qo'llay oladilar. Darsni yuqori saviyada o'tkazish, dars davomida o'quvchilar faolligini ta'minlash, beriladigan vazifa, ko'rsatma va mashqlar ijrosiga ularni ongli yondoshishlariga erishish, jismoniy tarbiya darsiga mehr va hurmat uyg'otish o'qituvchining nafaqat kasbiy mahorati va sifatl ishlab chiqilgan dars bayonnomasiga, balki uning shaxsi va insoniy fazilatlariga ham bevosita bog'liqdir. Maxsus jismoniy tayyorgalikka umumiy vaqtning 10% ajaratilib, u asosan umumiy mashqlanganlikni saqlab turish va maxsus mashqlanganlik va ish qobiliyatini o'stirishga erishish bilan uzviy bogliqdir. Bunda asosiy e''tiborni ish qibiliyatini tez va to'liq tiklab olishga yordam beruvchi vositalarga qaratish lozim. Jismoniy sifatlarni rivojlantirishda asosan e'tibor tezkorlik, tezkor-kuchlilik va maxsus chidamkorlikni (ayniqsa sakrashda va zarbali harakatlarda) sifatlarini rivojlantirishga yo'naltirilishi kerak [8,9]. O'rgatish uslublari yordamida, bilim, ko'nikma va malakalarni egallah, harakat qobiliyatrlini, irodaviy va ahloqiy sifatlarni rivojlantirish vazifalari

amalga oshiriladi. Murabbiy mashg'ulotlarda u yoki bu harakat faoliyatini o'rgatadi, tushuntiradi va ko'rsatadi, shug'ullanuvchilar esa uni egallab oladilar. Mashg'ulotlarda o'rgatish uslublarini tanlashda, pedagogik vazifa, material mazmuni va o'quvchilar tayyorgarligini e'tiborga olish lozim.

Jismoniy tarbiya darslari va sport mashg'ulotlari jaryonida asosan uchta o'rgatish uslublari mavjud bular: so'z uslubi, ko'rgazmali uslub va amaliy uslublar.

So'z va ko'rgazmalik uslublari bevosita harakatlarni amalda qo'llash, ya'ni mashqlarni bajarish uchun zamin yaratadi. Barcha uslublar o'zaro bir-biri bilan bog'liq holda kompleks qo'llaniladi [4,7].

Jismoniy mashqlarni to'g'ri qo'llash, ularni bolalar qanday o'zlashtirayotganligini nazorat qilib borish, shu bolalardagi jismoniy sifatlarni, uning qaddi qomati, jismoniy va funksional taraqqiyoti to'g'ri yo'nalishda tarbiyalanib borishiga imkon yaratadi [10]. Ma'lumki, insonning jismoniy sifatlari uning tug'ilishidan boshlab shakllana boradi. Lekin, uning bolaligida shu sifatlar qanday darajada shakllanishi, oddiy yoki murakkab harakatlarni o'zlashtirib olishi nafaqat uni o'sib, yashab kelayotgan muhitga bog'liq, balki bolaning muayyan sifatini qanday vositalar yordamida rivojlantirilishi bilan belgilanadi. Shu bilan bir qatorda harakatni turi, yo'nalishi va qanday maqsadga qaratilganligiga (kasb, ro'zg'or ishi, sport, harbiy faoliyat va h.k.) qarab, har bir jismoniy sifatni shu harakat ijrosidagi o'rni turlicha bo'ladi. Shunday bo'lsada, turli kasb faoliyatlarida yoki sport turlarida shu jismoniy sifatlarning integral ahamiyati o'ziga xos ulushga ega bo'ladi. Ammo qanday bo'lmasin, ko'pgina tadqiqotchilarining fikricha, barcha harakat faoliyatida ayrim jismoniy sifatlarning ustuvorligi darhol ko'zga tashlanadi.

Olib borilgan tadqiqot samaradorligi orqali shuni ham aytish zarurki, harakat texnikasini o'zlashtirish muddati bolaning oilaviy sharoitiga, uning ijtimoiy va iqtisodiy imkoniyatiga hamda ruhiy holatiga bog'liqidir. Agar sport tayyorgarliklari yuzasidan turli guruhlarda tadqiqot o'tkazilsa unda dastlabki o'rgatish jarayoni bir necha bosqichlarda amalga oshiriladi va bu bosqichlarni xar biri o'ziga xos uslub va vositalarni o'z ichiga oladi. Umumiyo rivojlantiruvchi mashqlar o'yinchida jismoniy barkamollik va o'yinchi uchun zarur bo'lgan harakat ko'nikmalari va malakalarini sayqallash uchun foydalaniladi. Tadqiqot guruhlaridagi natijalarning nazorat guruhlaridagi natijalarga qaraganda ancha yuqori ekanligi tanlangan uslubning samarali ekanligini ko'rsatadi. Tadqiqot davomidagi barcha mashqlar o'z yo'nalishiga mos ravishda birlashgan holda mashq qilishning maxsus tayyorgarligi asosiy qismlarini tashkil etadi: umumiyo jismoniy, maxsus jismoniy, texnik, taktik, o'yin tayyorgarligi. Xar bir tayyorgarlik turida o'zining yetakchi omillari borki, ular yordamida ko'zlagan maqsadga erishiladi. Shu bilan birga barcha turdag'i tayyorgarliklar

VOLUME-2, ISSUE-7

bir-biri bilan uzviy bog'liq. Misol uchun agar o'quvchi jismoniy yaxshi tayyorlanmagan bo'lsa, u xujumda zarba berish texnik mashqini yaxshi bajara olmaydi. Bunday holda o'quvchini jismoniy tomondan chiniqtirish, zarba berish usulini ko'p marta takrorlashdan ko'ra foydaliroqdir. Tadqiqot natijalari shundan dalolat berdiki, akademik litseylarda jismoniy tarbiya darsini to'g'ri rejalashtirish, sport to'garaklari tashkil qilish, ayniqsa dars mazmuniga jiddiy e'tibor qaratish o'quvchilarda jismoniy tarbiya va sportga qiziqtirish, ularni muntazam mashg'ulotlarga jalb qilish borasida muhim ahamiyatga ega. Lekin, shuni ta'kidlash ham lozimki akademik litseylarda jismoniy tarbiya darslari soatlari jida kamligi ko'zga tashlanganligi sababli sport musobaqalari g'oliblarini yetishtirib chiqarish maqsadga muvofiq tarzda yo'lga qo'yilmagan. Akademik litseyining jismoniy tarbiya darsi jarayonida nazorat va tajriba guruhlarida olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, jismoniy tarbiya darslarida qo'llaniladigan mashqlar (nazorat guruhida) o'quvchilar faolligi susaytirish, befarqlik, qolaversa jismoniy qobiliyatlarini yetarli darajada rivojlantira olmas ekan. Aksincha, dars jarayonida qo'llanilgan uslublar va har xil mashqlar nafaqat yuqorida qayd etilgan usullarni tajriba guruhidagi o'quvchilarda samarali rivojlantirish ega ekanligi isbot qilindi, balki shu o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishi, faolligi va kayfiyatlariga ijobiy ta'sir etganligi kuzatildi. Tadqiqot asosida samaradorligi o'r ganilgan kompleks mashqlarni har bir darsda va darsdan tashqari sharoitlarda muntazam qo'llash o'quvchilar o'rta sida jismoniy tarbiya jarayonini faol pog'onaga ko'tarish, ularning jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan qiziqishi ortishiga olib keladi. Demak, xulosa qilib aytganda, akademik litseylarda ham sportga qiziquvchi yoshlardan iborat chuqurlashgan guruhlar tashkil qilish orqali kelajakda bo'lg'usi sport ustalari va pedagog-trener ustalarni yetkazib berish imkoniyatlari yanada kengayadi.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta"lim to'g'risida"gi Qonuni. 2020 yil 23 sentabr, O'RQ-637-son <http://lex.uz>
2. O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi Qonuni (yangi tahriri). 2015 yil 5 sentabr. 174-son "Xalq so'zi" gazetasi.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrdagi "Ta"lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ4884 sonli Qarori. <http://lex.uz>
4. Abdullaev A., Konkeldiev Sh. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi Toshkent., O'z DJTI, 2005 yil - 300 b.
5. Axmatov M.S. Monografiya. Uzluksiz ta"lim tizimida ommaviy sportsog'lomlashtirish ishlarini samarali boshqarish. – T.: 2005 y. – 235 b.
6. Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish. O'quv qo'llanma. O'zDJTI, T.: 2005, 171 b.
7. Юнусова Ю.М. Организация и методика физической культуры в общеобразовательных школах республики Узбекистана. -Т.:2002. С. 120.
8. Шолих, М. Круговая тренировка (Теоретические, методические и организационные основы одной из современных форм использования физических упражнений в школе и спортивной тренировке). - 2-е изд., стер. - Москва: Спорт, 2021 .- 217 с.
9. Медведев, В. В. Метод круговой тренировки как форма физической подготовки студентов. - Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2019. – № 44 (282). – С. 312-313.
10. Kerimov F.A., Umarov M.N. Sportda prognozlashtirsh va modellashtirsh. Darslik. O'zDJTI. T.: 2005, - 280 b.
11. Masharipov F.T., Maktabda jismoniy tarbiya darslaridao'quvchilar faoliyatini tashkillashtirish usuliyati. Academic Research in Educational Sciences.488-bet. May, 2022

THE ROLE OF FAST SPEECH IN THE DEVELOPMENT OF SPEECH

Ilhombayeva Mahliyo Umidjon kizi

Student of Uzbek philology department of UrSU

mahliyoilhombayeva@gmail.com

Annotation: In this article, the importance of rapid pronunciation in the correct development of children's pronunciation is analyzed with the help of examples.

Keywords: speaking quickly, pronunciation, sound, word, phrase, speech

How communication is formed in childhood reflects throughout a person's life.

It is an undeniable fact that the role of the family in the formation of a person as a person is an undeniable fact, as well as the development of his speech is a product of social conditions. "Social conditions", V. D. Bondaletov writes, "is the specific historical conditions in which the people live - that is, time". It always depends on the level of socio-economic, cultural and political development of the people".

For example, our great grandfather Alisher Navoi used 26,035 new words, and in this regard, he used many new words from prominent representatives of the world. The first reason why the poet achieved such a result is that he was born in the family of Giyaziddin, that is, in the family of a palace official, there were frequent meetings in his family, and young Alisher also participated in them. When we get acquainted with the poet's biography, he read and even memorized F. Attar's work "Mantiq-ut-tayr" when he was 4-5 years old, and at the end of his life he wrote "Lison-ut-tur" as a response to him.

we will witness what he wrote. Therefore, in the formation and development of a person's speech, the environment in which he lives and the created conditions are important . After all, the place and role of quick utterances in the formation of a young child's speech, like any building rising from the foundation, cannot be compared with anything.

Uzbek folklore, which is considered a priceless property of our people, has been living with our people since ancient times, passed from mouth to mouth. As an ancient verbal art, Uzbek folk art is distinguished not only by its deep idealism and high artistry, but also by its brightness of content and simplicity of language. Taking into account similar and different features of folklore, proverbs, riddles, epics, askiya, lof, anecdotes, etc. were formed, one of which is quick sayings. In ancient times, fast pronunciations are based on the fact that some speech sounds are repeated a lot or are placed in the structure of words and phrases in such a way that they are difficult to pronounce. "Rapid pronunciations help to pronounce a certain word, phrase or sound correctly, to distinguish it from other sounds, to develop speech, to increase the speed of reading, and at the same time to make large

numbers of digits. is a genre that teaches memory consolidation. According to the old rules, it was required to say fast in one breath".

Effective use of prompts is of great importance in children's fluency. It is very important to improve the fluency of speech of students of school age and elementary grades. Because the role of fluency in speech is incomparable in ensuring the activity of children in our society based on the requirements of the present time. Because speech is a means of communication between people, it is the need of the hour to teach every young generation to master speech skills. Below we will focus on some rapid utterances that affect the fluency of speech.

The free farmer sows the early morning crop .

If we pay attention to this fast pronunciation, we will witness the repeated use of the vowel "e". It can be used to eliminate speech defects in children who have difficulty pronouncing the vowel "e". It is known that words beginning with the sound "e" are pronounced as "ye" in the speech of the population speaking the Kipchak dialect. This rapid pronunciation is effective for representatives of the Kipchak dialect, which is difficult to speak in the literary language.

Fast pronunciation is chosen depending on which vowels or consonants the child has difficulty pronouncing. For example:

Is Rukhsor angry with Rana?

Is Rano offended by Rukhsor?

Fast pronunciation is dedicated to the pronunciation of the consonant "R". We know that many children pronounce the sound "r" as "y" or "l". It's good to have children regularly practice these quick pronunciations.

Another sound that is difficult for young children to pronounce is the consonant "sh". In many cases, we witness that this sound is pronounced as "s". This, of course, will cause the speech to be confused, and even the meaning of some words to change. You can learn to pronounce this sound fully and fluently by saying the following quickly:

In the winter, the grapes are not ripe,

If it's ripe, it's not winter.

It is considered very difficult to say this quickly and it is difficult to repeat it in one breath. It is appropriate to diligently teach such rapid utterances to young children with speech defects.

Not only in children, but also in the speech of adults, the sounds "k" and "q" are mixed. This situation is especially common in the speech of representatives of the Oghuz

dialect. To learn to pronounce these sounds perfectly, it is effective to quickly say the following:

A blue lid on a white teapot,

Blue teapot with a white lid.

In general, the importance of rapid speech in speech development is incomparable. The formation of a child's speech ability is one of the problems that has never lost its relevance. Because if children develop in all aspects, the society will also flourish.

**«CONFERENCE ON UNIVERSAL SCIENCE RESEARCH 2023»
VOLUME-2, ISSUE-7 (31-IYUL)
MUNDARIJA**

1	DIGITAL TRANSFORMATION OF ECONOMIC NETWORKS: ENERGY AND LOGISTICS Eshqulova Dilorom Abduravupovna	5-8
2	Talabalarning chet tilini o'rganish jarayonidan zavqlanishida hissiy intellekt xususiyati va sinfdagi muhitning ahamiyati Ruzmetova Zilola Dilmuradovna	9-11
3	Musobaqa oldi jarayonlarida sportchi talabalarning hissiy barqarorligini ta'minlash. Allayarov Dilshodbek Raximboy o'g'li	12-14
4	"Metrologiya to'g'risida" gi qonunning asosiy tamovillari tahlili Xasanboyev Xumoyin, Xasanboyev Abdurasul, Musaxonov Shavkatbek, Mirzaqosimov Saloxiddin	15-18
5	РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна	19-32
6	АКЦИЗ СОЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ ВА СТАВКАЛАРИ Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна	33-40
7	AKADEMIK LITSEYLARDA JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA O'QUVCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI TASHKIL QILISH USULLARI. PIRNAFASOVA RISOLAT RAMATILLAYEVNA	41-45
8	THE ROLE OF FAST SPEECH IN THE DEVELOPMENT OF SPEECH Ilhombayeva Mahliyo Umidjon kizi	46-48
9	MUNDARIJA	